



ТАЪЛИМ ОЛИШ ҲУҚУҚИНИНГ КОНСТИТУЦИЯВИЙ КАФОЛАТЛАРИ

Бахтиёр Жавохир Ихтиёр ўғли

*Тошкент давлат юридик университети ҳузуридаги М.С.Восиқова номидаги
академик лицей ўқувчиси*

Мамлакатимизда замонавий фикрлайдиган, юксак билим, кўникма ва малакага эга бўлган, тегишли соҳа ривожига ўзининг муносиб ҳиссасисини қўшишга қодир ватанпарвар янги авлод кадрларни тайёрлаш ва бу мақсадга эришиш учун янада сифатли ва қулай таълим жараёнини ташкил этиш амалга оширилиши лозим бўлган устувор вазифалардан бири сифатида белгиланган.

Жаҳоннинг ривожланган давлатлари тарихига назар ташлар эканмиз, АҚШ, Япония, Германия ва бошқа ривожланган давлатларнинг ижтимоий, иқтисодий ва бошқа соҳаларда эришган ютуқларининг асосий манбаси таълимга, унинг ривожланиши ва самарадорлигига алоҳида эътибор берилганлигида кўришимиз мумкин. Таълимга эътиборни кучайтирган, унинг ривожланиши учун зарур шарт-шароитларни яратган, таълим муассасаларида фаолият олиб бораётган педагог кадрларнинг шаъни, кадр-қиммати ҳурмат қилиниши, ижтимоий ва моддий фаровонлигини таъминлашни ўзининг устувор вазифаларидан бири сифатида қараган давлат ўзининг келажаги ва ривожига бефарқ эмаслигидан далолат беради.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев, “Маълумки, ёш авлод тарбияси ҳамма замонларда ҳам муҳим ва долзарб аҳамиятга эга бўлиб келган. Аммо биз яшаётган XXI асрда бу масала ҳақиқатан ҳам ҳаёт-мамот масаласига айланиб бормоқда. “Тарбия қанча мукамал бўлса, халқ шунча бахтли яшайди”, дейди донишмандлар. Тарбия мукамал бўлиши учун эса бу масалада бўшлиқ пайдо бўлишига мутлақо йўл қўйиб бўлмайди” [1], – деб таъкидлаган эди.

Шуни қайд этиш лозимки, янги Ўзбекистонимизда сўнгги йилларда таълим фаолиятини янада такомиллаштиришга, ёшларнинг таълим-тарбиясига, таълим муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлашга, педагог кадрларни ижтимоий, моддий йўналишда қўллаб қувватлаш ва уларга зарур шарт-шароит яратишга, ёшлар учун таълим олиш имкониятларини кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда ҳамда бу борадаги норматив-ҳуқуқий база мустаҳкамланмоқда.

2023 йил 30 апрель куни ўтказилган Ўзбекистон Республикаси референдумида умумхалқ овоз бериши орқали қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ёшларнинг таълим-тарбияси билан боғлиқ муҳим қоидалар мустаҳкамланди. Конституциямизнинг 44-моддасида болалар меҳнатининг боланинг соғлиғига, хавфсизлигига, ахлоқига, ақлий ва жисмоний ривожланишига хавф солувчи, шу жумладан унинг таълим олишига тўсқинлик қилувчи ҳар қандай шакллари тақиқланиши қатъий белгиланди.



Маълумки, Конституциямизнинг 15-моддасига асосан Ўзбекистон Республикаси Конституцияси мамлакатнинг бутун ҳудудида олий юридик кучга эга, тўғридан-тўғри амал қилади ва ягона ҳуқуқий маконнинг асосини ташкил этади. Бундан кўриниб турибдики, Конституциямизда белгиланган ҳар бир норманинг ижроси сўзсиз тўғридан-тўғри таъминланиши шарт.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 50-моддасида ҳар ким таълим олиш ҳуқуқига эга эканлиги, давлат узлуксиз таълим тизими, унинг ҳар хил турлари ва шакллари, давлат ва нодавлат таълим ташкилотлари ривожланишини таъминлаши, мактабгача таълим ва тарбияни ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиши, бепул умумий ўрта таълим ва бошланғич профессионал таълим олишни кафолатлаши белгиланди, шунингдек умумий ўрта таълим мажбурийлиги, мактабгача таълим ва тарбия, умумий ўрта таълим давлат назоратида эканлиги, таълим ташкилотларида алоҳида таълим эҳтиёжларига эга бўлган болалар учун инклюзив таълим ва тарбия таъминланиши қатъий мустаҳкамланди.

Мазкур конституциявий норма мамлакатимиз тараққиёти, халқимиз фаровонлиги йўлида толмай хизмат қиладиган, юрт тақдирига беварқ бўлмаган, садоқатли, ватанпарвар ёшларни тарбиялашга, уларнинг сифатли таълим олишига, ақлий, ахлоқий ва жисмоний ривожланиши учун қулай шарт-шароит яратилишига кафолат бўлиб хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни 5-моддасига асосан жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, ҳар кимга таълим олиш учун тенг ҳуқуқлар кафолатланади.

Бундан ташқари, ушбу Қонуннинг 9-моддасида умумий ўрта ва ўрта махсус таълим бўйича қоидалар белгиланган бўлиб, умумий ўрта таълим (I — XI синфлар) босқичлари қуйидагилардан иборат:

бошланғич таълим (I — IV синфлар);

таянч ўрта таълим (V — IX синфлар);

ўрта таълим (X — XI синфлар).

Умумий ўрта таълим ташкилотининг биринчи синфига болалар улар етти ёшга тўладиган йилда қабул қилинади.

Бошланғич таълим таълим олувчиларда умумий ўрта таълимни давом эттириш учун зарур бўлган саводхонлик, билим, малака ва кўникмалар асосларини шакллантиришга қаратилган.

Таянч ўрта таълим ўқув дастурига мувофиқ таълим олувчиларга билим, малака ва кўникмаларнинг зарурий ҳажмини беради, уларда мустақил фикрлаш ва таҳлил қилиш қобилиятини ривожлантиради.

Таянч ўрта таълим доирасида (VII синфдан сўнг) таълим олувчиларда касблар бўйича бирламчи билим ва кўникмаларни шакллантириш учун уларни профессионал ташхислаш ва касб-ҳунарга йўналтириш бўйича чоралар амалга оширилади.



Ўрта таълим ўқув дастурига мувофиқ таълим олувчилар томонидан зарур билим, малака ва кўникмалар ўзлаштирилишини, шунингдек таълимнинг кейинги тури танланишини ҳамда юқори малака талаб қилинмайдиган касблар эгалланишини таъминлайди.

Професионал ташхислаш ва касб-хунарга йўналтириш, шунингдек таълим олувчиларни юқори малака талаб қилинмайдиган касбларга тайёрлаш тартиби қонунчиликда белгиланади.

Умумий ўрта таълим умумий ўрта таълим ташкилотларида узлуксиз тарзда, мажбурий бўлган ўн бир йил давомида амалга оширилади.

Ўрта махсус таълим академик лицейларда тўққиз йиллик таянч ўрта таълим асосида икки йил мобайнида амалга оширилади ва таълим олувчиларнинг интеллектуал қобилиятларининг жадал ривожланишини, шунингдек чуқур, табақалаштирилган, касб-хунарга ва шахсга йўналтирилган таълим олишини таъминлайди.

Нодавлат умумий ўрта таълим ташкилотлари ўз фаолиятини лицензия асосида, давлат таълим стандартига мувофиқ ташкил этади.

Нодавлат таълим ташкилотларида умумий ўрта ва ўрта махсус таълим тўлов-шартнома асосида амалга оширилиши мумкин.

Иқтидорли ва истеъдодли болаларнинг қобилиятини ривожлантириш учун Президент, ижод ва бошқа ихтисослаштирилган мактаблар, шунингдек мактаб-интернатлар ташкил этилиши мумкин.

Жисмоний, ақлий, сенсор (сезги) ёки руҳий нуқсонлари бўлган болалар, шунингдек узоқ вақт даволанишга муҳтож бўлган болалар давлат ихтисослаштирилган таълим муассасаларида, умумий ўрта ва ўрта махсус таълим ташкилотларида инклюзив шаклда ёки уй шароитларида яқка тартибда таълим олади.

Таъкидлаш лозимки, бугунги кунда жаҳон таълим хизматлари бозорида ўз ўрнига эга бўлиш учун таълим муассасалари ўртасида рақобат кучайиб бормоқда. Юқори малакали кадрлар тайёрлаш – бу маданият, иқтисодиёт, технологияларни жадал ривожлантиришдан манфаатдор бўлган барча давлатларнинг энг муҳим вазифаларидан бирига айланиб бормоқда.

С.А.Тоштемированинг қайд этишича, “Таълим сифатини оширишга замонавий ёндашувларнинг татбиқ этилиши, уни субъективлик, таркиб, тузилиш, ривожланиш, шахс эҳтиёжларини мувофиқлаштириш каби хусусиятлар орқали давлат ва жамиятни ўзаро боғлиқликда инсонпарварлик, узлуксизлик, тараққиёт ва демократлаштириш ғояларига асосланган замонавий таълимнинг янгилиниши ва ривожланишини белгилаб беради” [2].

Б.И.Қаюмовнинг фикрига кўра, “Билиш инсон ҳаётида муҳим роль ўйнайди. Билиш асосида инсон дунёқараши шаклланади. Дунёқараш ўз ичига дунёни ҳис қилиш, дунёни тушуниш жараёнларида ҳосил бўладиган ирода, идрок, кайфиятларни ҳам қамраб оладиган тушунчадир. Педагогик жараёнда ўқувчиларда дунёқараш, ижодий ва эркин фикрлай олиш қобилиятини



шакллантириш имкониятини яратиш ўта долзарб масаладир. Биз ёшларнинг эртанги кунда эркин фикрловчи баркамол шахс бўлиб шаклланиши учун уларни мактаб партасиданоқ мустақил ижодий фикрлашга йўналтира боришимиз педагогик фаолиятимизда бош стратегик масала ҳисобланади” [3].

Е.Г. Маркинанинг қайд этишича, “таълим бугунги кунда табиий заҳира, техника ва ишчи кучига қараганда анча муҳим манба бўлиб хизмат қилади, зеро таълим натижаларини биргаликда белгилайдиган иштирокчилар сонининг кўплиги сабабли, таълим бозорлари хизматлар ёки товарлар бозорларига қараганда анча мураккаб жараёни ташкил этади. Шу ўринда қадимги Хитой нақлларидаги фикр билан қўшилиш ўта муҳим: “Донишманддан фавқулудда вазиятда нимани қурбон қилиш мумкинлиги сўрашганда, у қуйидагича жавоб қилган экан: армия, иқтисодий салоҳиятни қурбон қилиш мумкин, аммо таълим бундан мустаснодир” [4].

Н.Маливанов, Ю.Польский, Б.Павловларнинг фикрига кўра, “давлат фуқароларнинг билим олиш учун конституциявий ҳуқуқини таъминлайди, мутахассисларни битириши сифати ва миқдор кўрсаткичларини режалаштиради ва имкон қадар уларни тайёрлаш даражасини назорат қилади” [5].

Таълим фаолиятини тартибга солишга қаратилган қонунчилик ҳужжатларига оғишмай риоя этилиши ва унинг ижроси ўз вақтида сўзсиз таъминланиши таълим сифати ва самарадорлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади. Бу жараёнда прокуратура органларининг ўрни ва роли бекиёсдир. Прокуратура органлари қонунчилик ҳужжатларининг ижро этилиши устидан назоратни амалга ошириш билан бирга таълим муассасаларида ҳуқуқбузарликларни олдини олиш, ўқувчиларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини ривожлантириш ҳамда уларни ўқитиш-тарбиялашда иштирок этади.

Таълим муассасаларининг раҳбарлари, педагоглари, ходимлари, ўқувчилари қонунчиликка оғишмай амал қилиши, берилган ҳуқуқларга ҳурмат билан муносабатда бўлиши таълимнинг сифати ва кадрлар рақобатбардошлигига эришишда муҳим аҳамият касб этади. Қонунни ҳурмат қилган, ўзининг ҳақ-ҳуқуқлари, бурчларини яхши англаган ҳар бир фуқаро, шу жумладан таълим муассасалари раҳбарлари, педагоглари, ходимлари, ўқувчилари ўзларининг Ватан олдигаги бурчи ва мажбуриятларини чуқур англайди ҳамда Ватан тақдири ва келажагига бефарқ бўлмайди.

REFERENCES:

1. Мирзиёев Ш.М. Жисмоний ва маънавий етук ёшлар – эзгу мақсадларимизга етишда таянчимиз ва суянчимиздир. Президент Шавкат Мирзиёевнинг “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракатининг IV қурултойидаги нутқи. <https://uza.uz/oz/posts/jismoniy-va-ma-naviy-yetuk-yoshlar-ezgu-maqsadlarimizga-yeti-30-06-2017>



2. Тоштемирова С.А. Таълим сифати ва уни демократлаштириш илмий муаммо сифатида. *Замонавий таълим 3. Современное образование*. 2020, 1(86). – Б.10. <https://cyberleninka.ru/article/n/talim-sifati-va-uni-demokratlash> tirish-ilmiy-muammo-sifatida/viewer

3. Қаюмов Б.И. Таълим сифати, муаммо ва ечимлар. “Science and Education” *Scientific Journal / www.openscience.uz November 2023 / Volume 4 Issue 11.* –Б.283. <https://cyberleninka.ru/article/n/talim-sifati-muammolar-va-echimlar/viewer>

4. Маркина Е.Г. Система социальной поддержки студентов как компонент корпоративной культуры вуза /*Общественные науки. Социология, № 4, 2007 // https://cyberleninka.ru/article/n/sistema-sotsialnoy-podderzhki* studentov-kak-komponent-korporativnoy-kultury-vuza/viewer.

5. Маливанов Н., Польский Ю., Павлов Б. Система высшего технического образования и инновационное развитие экономики России. *Высшее образование в России. №12, 2008 // https://cyberleninka.ru/article/n/sistema-vysshego-tehnicheskogo-obrazovaniya-i-innovatsionnoe-razvitie-ekonomiki-rossii/viewer.*